

# **АЙРИМ ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИГА ЎЗГАРТИШ ВА ҚҰШИМЧАЛАР КИРИТИЛДИ**

“Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатлариға ўзгартиш ва құшимчалар киритиш түғрисида”ги Қонун (ЎРҚ-711-сон, 25.08.2021 й.) Президент томонидан имзоланди.

Қонун билан Жиноят кодексида бир нечта янги жиноий жавобгарлик турлари белгиланди.

Жумладан:

Хайвонларга нисбатан шафқатсиз муносабатда бўлиш, яъни ғаразли ёки бошқа паст ниятларда уларни қийноқса солиш ёхуд уларга азоб бериш уларнинг ўлимига ёки майиб бўлишига олиб келса, шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса - 13 млн 500 минг сўм жаримадан б ойгача озодликдан маҳрум қилишгача жазо чоралари қўлланилиши белгиланди.

Шунингдек, гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддалар ҳисобланмайдиган кучли таъсир қилувчи ёхуд заҳарли моддаларни ўтказиш мақсадида тайёрлаш ёхуд қайта ишлаш учун асбоб-ускуналарни тайёрлаш, олиш, сақлаш, ташиш, жўнатиш ёки ўтказиш 5 йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланиши мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик түғрисидаги кодексига киритилган ўзгаришга мувофиқ ёввойи ҳолда ўсувчи ўсимликларнинг техник ва доривор хомашёсини, ёввойи ҳолда ўсувчи ўсимликларни озиқ-овқат мақсадлари учун йиғиш ҳамда тайёрлашнинг, шунингдек ўсимлик дунёси обьектларидан маданий-маърифий, ўқув-тарбиявий, соғломлаштириш, рекреация ва эстетик мақсадларда фойдаланишининг белгиланган тартибини ҳамда шартларини бузиш, -

фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг уч бараваридан беш бараваригача, мансабдор шахсларга эса-беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Қонун билан “Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш түғрисида”ги Қонунга киритилган құшимчаларга кўра, йўл-транспорт ҳодисаси түғрисидаги хабарномани тузиш учун асослар белгиланди.

Унга кўра:

Йўл-транспорт ҳодисаси түғрисидаги хабарнома – содир этилган йўл-транспорт ҳодисаси ҳақида суғурталовчига хабар бериш учун ҳодиса содир этилган жойда унда иштирок этган ҳайдовчилар томонидан ихтиёрий равишда тўлдириладиган, транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлиги вуҷудга келганлиги фактини тасдиқловчи ҳужжат.

Хабарнома йўл-транспорт ҳодисасида иштирок этган ҳайдовчилар томонидан ички ишлар органи ходимларининг иштирокисиз тузилади.

Ҳайдовчилар томонидан хабарномани расмийлаштириш маъмурий жавобгарликка тортилишни истисно этувчи ҳолат этиб белгиланди.

Хусусан, Маъмурий жавобгарлик түғрисидаги кодекснинг 133-моддасига киритилган ўзгартиришга кўра, транспорт воситалари ҳайдовчиларининг йўл ҳаракати қоидаларини бузиши жабрланувчига анча миқдорда моддий зарар етказилишига олиб келган ҳолларда йўл-транспорт ҳодисасида иштирок этган ҳайдовчилар томонидан йўл-транспорт ҳодисаси түғрисида хабарнома тузилган тақдирда ҳайдовчи жавобгарликка тортилмаслиги белгиланди.

**Р.АРАПОВ,**

**ЖИБ Ёзёвон туман судининг раиси.**

1 / 2

ЁЗЁВОН ТУМАНИ ҲОКИМЛИГИ АХБОРОТ ХИЗМАТИ

---

2021-09-29 09:55:39